*Ўзбекистон - келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 декабрь, сешанба, 1994 йил

Сотувда эркин нархда. № 252 (1000)

## ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

**25 декабрь, якшанба... Бу кун мустақил Ўзбекистонимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади. Чунки, шу куни илк бор мустақиллик шароитида Ўзбекистон Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Бу сайлов асосий қонунимиз -- Конституцияга, Сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя этилган ҳолда кўппартиялилик ва демократик тамойиллар, ошкоралик руҳида ўтгани билан ҳам катта сиёсий аҳамиятта моликдир.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги сайлов илгаригидан фарқли ўлароқ, халқимизнинг сиёсий онги ўсган, ўзининг миллий ғурурини теран англаган бир вақтда ўтгани билан ҳам муҳимдир. Бу эса сайловнинг кўтаринки руҳда, зўр уюшқоқлик билан ўтишига омил бўлди. Барча фуқаролар сайлов куни мамлакатимизнинг янги парламенти ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатилган муносиб номзодлар учун якдиллик билан овоз бериб, ўз хоҳиш-иродасини ифода этди.

Шу куни бошқа сайлов округлари ва участкалари қатори Тошкентдаги 29-Бошлиқ сайлов округининг 269-сайлов участкасига ташриф буюрганлар ҳам бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Мазкур участка Манной Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг биносига жойлашган. У байрамона безатилган. Бу ерда сайловга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

Сайлов участкаси эрта тонгданоқ сайловчилар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни мазкур сайлов участкасида бўлиб, элимизнинг муносиб фарзандлари учун овоз берди. Сўнгра мамлакатимиз раҳбари сайлов участкаси мутасаддилари, сайловчилар ва меҳмонлар билан суҳбатлашди.

Бу ерда ҳозир бўлган республика ва чет эл мухбирларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

-- Бугунги сайлов бизнинг халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун катта сиёсий аҳамиятга эгадир, -- деди Ўзбекистон Президенти. -- Чунки, ана шу келажак кўп жиҳатдан ҳозир мамлакатимизда амалга оширилган, оширилаётган ва оширилиши зарур бўлган улкан вазифаларга, уларнинг кўламига, ишларимизнинг пировард натижаларига боғлиқ. Юртимизда моддий фаровонликни таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига оид қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга тезроқ татбиқ этиш, оддий сўз билан айтганда, халқимизнинг эзгу ниятларини тезроқ ва тўла-тўкис рўёбга чиқариш бўлажак депутатларнинг куч-ғайратига, фидойилиги ва ватанпарварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ўйлайман. Ишончим комилки, бугунги сайловда халқимиз ўзининг конституциявий ҳуқуқидан тўла фойдаланиб, ана шу улуғвор мақсадларнинг амалга оширилиши учун курашадиган ва бу масъулиятли, аммо шарафли йўлда ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмайдиган муносиб номзодлар учун овоз беради.



*Суратда: Ислом Каримов номзодларга овоз бермоқда.*

**Р. Жуманиёзов олган сурат. (ЎзА).**

Бугунги тарихий воқеанинг улкан аҳамияти яна шундан иборатки, -- деди Ислом Каримов, -- бизнинг жамиятимизда биринчи марта мана шундай очиқ, демократик талабларга ва жаҳон андозасига жавоб берадиган сайлов бўляпти. Ўйлайманки, сайловнинг шундай тарзда ўтказилиши одамларимизнинг сиёсий савиясини, онгини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади ва у жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, хусусан кўппартиялиликка асосланган бу сайлов жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат-эътиборини жалб этди. Мазкур сайлов участкасида кузатувчи сифатида қатнашган Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларк сайловнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, жумладан бундай деди:

-- Мен бу ерга анча барвақт келдим, сайловда кузатувчи сифатида қатнашяпман. Бугунги сайлов мамлакатингизда биринчи марта янги Конституцияга мувофиқ, демократик асосда ўтказиляпти. Бу жуда муҳим. Мазкур сайлов нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳа, бу йилги сайлов ўзининг кўппартиялилик ва демократияга асослангани билан бутун жаҳонда юртимиз обрўйини янада оширади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги каби бу сайлов участкасида ҳам республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайлов зўр уюшқоқлик билан ўтди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов 26 декабрь куни Республика Вазирлар Маҳкамасида Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшид Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация аъзолари билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки қардош республика ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. 1995 йилдаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.

Учрашувда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

23 декабрда Латвия Президенти Гунтис Улманис ХХРдан ватанига қайта туриб, Тошкентда тўхтаб ўтди.

Аэропортда юксак меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков кутиб олди. Дўстона суҳбат чоғида Г. Улманис ўзининг ХХРга расмий ташрифи якунлари тўғрисида сўзлаб берди. Томонлар Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи хусусида фикрлашиб олдилар.

**(ЎзА).**

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом паспорт бериш ва ундан фойдаланишни, қайд этиш, рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқаришни, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқароларида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлиши шарт. Ҳарбий хизматчилар бундай паспортсиз яшайдилар. Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ва ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар.

3. Паспорт хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилади. Хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда расмийлаштирилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти:

-- «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга;

-- «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган шахсларга берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари беради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшайдиган фуқароларига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси бериши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бутун Ўзбекистон Республикасида ягона намунада ўзбек, рус, инглиз тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса, Қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади ва 32 бетдан иборат бўлади.

7. Паспортга ўзбек, рус, инглиз тилларида фуқаронинг шахси тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар ёзилади:

-- фамилияси, исми, отасининг исми;

-- туғилган куни, ойи, йили;

-- туғилган жойи;

-- миллати;

-- жинси;

-- идентификация рақами.

Паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув унинг ота-онаси миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилаётганда паспорт олувчининг ихтиёрига кўра отаси ёки онасининг миллати танлаб олинади. Кейинчалик миллат тўғрисидаги ёзув фуқаронинг ёзма аризасига мувофиқ отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин, аммо фақат бир марта ўзгартирилади. Паспортда унинг эгасининг имзоси, паспорт берган масъул шахс имзоси бўлиши, шунингдек паспорт берилган вақт ва амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим. Шунингдек паспортга:

-- болаларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, куни, ойи;

-- ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги;

-- никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;

-- паспорт эгасининг истиқомат жойи ҳақидаги;

-- визалар ҳақидаги маълумотлар ёзилади.

Фуқароларнинг розилиги билан уларнинг паспортига паспорт эгаларининг қони гуруҳи ва резуси тўғрисидаги белгилар қўйилади. Фуқаронинг паспортига ушбу Низомда кўзда тутилмаган ёзувларни киритиш тақиқланади.

8. Фуқаро паспортига ёзувларни:

-- ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган маълумотларни -- ички ишлар органлари;

-- ҳарбий хизматга муносабати ҳақидаги маълумотларни -- мудофаа ишлари органлари;

-- балоғатга етмаган болалар, никоҳни қайд этиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ёзувларни -- фуқаролик ҳолатини қайд этиш органлари;

-- паспортнинг хорижда амал қилиш муддати, бирга жўнаб кетаётган балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги ёзувларни -- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари;

-- истиқомат жойи тўғрисидаги ёзувни -- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

-- қон гуруҳи ва резуси ҳақидаги белгини -- соғлиқни сақлаш муассасалари киритади.

9. 16 ёшга тўлган шахсга паспорт берилади ва у 25 ёшга тўлгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади.

фуқаролар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганда ички ишлар органлари уларга янги паспорт беради, унга олдинги паспортдаги маълумотларнинг янги паспорт бериш вақтида ҳақиқий бўлганлари киритилади.

45 ёшга тўлган фуқаролар паспортининг амал қилиш муддати чекланмайди.

Хорижда паспорт унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

10. Қуйидагилар паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши учун масъулдир:

уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг, уй-жой-коммунал идоралари (бўлимлар)нинг бошлиқлари;

уй бошқарувчилари, уйлар ва ётоқхоналарнинг комендантлари, уй-жой-қурилиш ва дала ҳовли-қурилиш кооперативларининг, маҳалла қўмиталарининг раислари;

меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатлар ва туристлар базалари, қариялар ва ногиронлар уйлари, шифохоналар, болалар интернат уйлари ҳамда яшаб турган фуқаролар қайд этилиши ёки рўйхатдан ўтиши лозим бўлган шундай муассасалар директорлари (мудирлари);

уй эгалари ёки тасарруфида уй-жой бинолари, хоналар бўлган бошқа шахслар.

11. Паспорт тизими қоидалари бажарилишини ҳокимликлар ва ички ишлар органлари назорат қилади.

**II. ПАСПОРТ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ**

12. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт олиш чоғида илгари олган паспортини истиқомат жойидаги ички ишлар органига, хорижда доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган фуқаро эса Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига топширишга мажбурдир.

Паспортни фуқаролар истиқомат жойидаги ички ишлар органлари, ёхуд Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари беради ва алмаштиради.

13. Фуқаро паспорт олиш учун:

-- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаган шаклдаги аризани;

-- илгари олинган паспортни;

-- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани (биринчи марта паспорт олиш чоғида);

-- иккита 35х45 миллиметр катталикдаги қора-оқ ёки рангли фотосуратни;

-- зарур бўлган тақдирда шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатилган ҳарбий хизматчилар (зобитлар, прапорщиклар, мичманлар)га паспорт ҳарбий билет ва шахсий гувоҳнома асосида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасига -- ватанига қайтиб келган шахсларга паспорт белгиланган ҳужжатлар асосида берилади.

14. Паспортнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг фуқаро ички ишлар органига паспорт ва 35х45 миллиметр катталикдаги ёшига мос келадиган оқ-қора ёки рангли иккита фотосурат тақдим этиши шарт.

15. Қуйидаги ҳолларда паспорт алмаштирилади:

-- фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида;

-- миллатини ўзгартирганда;

-- ёзувдаги ноаниқлик аниқланганда;

-- виза учун мўлжалланган варақлар тўлганда;

-- фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

16. Паспортни алмаштириш учун:

-- белгиланган шаклдаги ариза;

-- алмаштирилиши лозим бўлган паспорт;

-- 35х45 миллиметр катталикдаги иккита оқ-қора ёки рангли фотосурат топширилади.

Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартиш, миллатини ўзгартиш ёки ёзувдаги ноаниқликка аниқлик киритиш мақсадида паспортни алмаштириш учун шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

17. Фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирган, ёзувдаги ноаниқлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз бўлгандан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни ва фотосуратларни тақдим этиши керак.

18. Ички ишлар органлари ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан алмаштириш тарзида ёки йўқолган паспорт ўрнига бериладиган паспортга балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, никоҳ қайд этилгани, доимий истиқомат жойи тўғрисидаги белгилар киритилиши керак.

19. Паспорт бериш ва хорижга чиқишни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган миқдорда давлат пошлинаси (бож) олинади. Тўла давлат таъминотида бўлган шахслар пошлина тўлашдан озод қилинади.

20. Фуқаро паспортни авайлаб асраши шарт. Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан белгиланган намунадаги маълумотнома беради. Маълумотнома шаклини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

Фуқаро паспортини йўқотган тақдирда унга ушбу Низомда белгиланган тартибда паспорт йўқолгани ҳақида ариза берган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт берилади.

21. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан шахс паспортини ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт.

Фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилганда уларнинг паспортлари хизматни ўташ даврида сақлаш учун хизматга чақирилиш жойидаги мудофаа ишлари органларига, ҳарбий ўқув юртларига қабул қилинганда эса, кейин ички ишлар органларига юбориш учун шу ўқув юртига топширилади.

Вафот этганларнинг паспортлари фуқаролик ҳолатини қайд этиш органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилади, улар эса ўлим рўйхатга олинганидан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай ички ишлар органларига юборади.

Топиб олинган паспорт ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилиши лозим.

22. Қамоққа олинган, шунингдек озодликдан маҳрумликка, қамоқ жазосига маҳкум этилган шахслар паспорти текшириш, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Қамоқдан озод қилингандан ёки жазони ўтаб бўлганидан сўнг паспорт эгасига қайтарилади. Паспорт ундан иш жойидаги чеклашлар олиб ташлангандан сўнг қайтариб берилади.

23. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилганидан ташқари фуқаронинг паспортини тортиб олиш, шунингдек паспортни гаров тариқасида қолдириш ва гаровга олиб қолиш тақиқланади.

24. «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни амалга ошириш учун зарур бланкалар, штамплар намуналарини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

25. Паспорт олишда керак бўладиган бланкалар ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа бланкалар учун уларнинг амалдаги қиймати миқдорида ҳақ олинади.

**(Давоми 3-бетда).**

# БИЗ БУГУН МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МИНГИНЧИ БОР УЧРАШАЯПМИЗ

Газетамизнинг биринчи сони бундан роппа-роса тўрт йил бурун чиққан эди. Унда илк бор «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати», «Тошкент ҳақиқати» газеталари ва «Санъат» журналидан қалами тобланган, тажрибали ва истеъдодли журналистлар тўпланишганди. Шунданми, республикадаги ҳар бир ўзгариш уларнинг назаридан қочиб улгурмасди. Гарчи ҳали тайинли жой (таъмирлаш ишлари кетаётган эди) ва телефон келиб улгурмаган бўлса-да, ҳар бир киши оёқда тик туриб бўлса ҳам янгиликка интилар, теша тегмаган мавзуларга қўл уришга ҳаракат қиларди.

«Халқ сўзи» тарихи ёш, мустақил мамлакатимизнинг тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Ундаги ҳар бир ўзгариш, янгилик ва оламшумул воқеалар унинг саҳифаларидан ўрин олади. Президент Фармонлари ва Олий Кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси қонун ва қарорлари, иқтисодий ислоҳотлар, янги ташкил қилинган кичик ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари ҳақидаги материаллар, муштарийлар қувонч ва ташвишлари битилган мактублар ана шулар жумласидандир.

Журналистика энг оғир ва масъулиятли касб. Уни игна билан қудуқ қазишга қиёс қилишади. Мақола бўладими, оддий хабар ёки суҳбатми -- ҳаммаси ўша нарсани дунёга келтирган журналистнинг қалб қўридан тафт олади.

Журналист учун газета тахламларини варақлашдан лаззатлироқ машғулот йўқ. Сокин хона ва ташвишлардан йироқ бўлсангу газета тахламларини бирма-бир варақлаб чиқсанг. Унинг мингта сони сени тўрт йиллик ўтмишга етаклайди. Ўтган кунлар қувончи ва ташвишларига шерик қилади, сен унитаёзган хотираларни қайтадан жонлантиради...

Одам учун ўз жамоаси ҳақида гапириш осон эмас. Мақтанчоқлик бўлмаяптимикин, деб, андишага бораверасан. Холбуки, мингта сон ва унинг ортидаги тўрт йиллик тарих ҳақида кўп ёзиш мумкин. Асосий ҳукм ва хулосани муштарийларга қолдирсакда, гапни шу ерда мухтасар қилсак. Чунки бизни 1001-сон кутаяпти.

**Исмат ХУДОЁРОВ.**

*• Қадрият*

**1996 йилда атоқли ўзбек адиби, олими, йирик сиёсат ва давлат арбоби Абдурауф Фитрат туғилган кунга 110 йил тўлади. Қадим ва навқирон Бухоронинг салоҳиятли фарзанди, ақл-заковат, бадиий-илмий мероси билан кўпчиликни лол қолдирган серқирра ижодкор, қолаверса, қомусий инсон бизнинг чинакам фахримиздир. Яқинда Бухоро вилоят ҳокими Фитрат юбилейини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Юқоридаги ҳужжатда Бухоро шаҳар ҳокимлиги зиммасига олим яшаган ҳовлиларда ёдгорлик лавҳаларини

# ЮБИЛЕЙГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

ўрнатиш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят бадиий меъморий музей-қўриқхонаси билан ҳамкорликда Бухородаги Кўкалдош мадрасасида Фитрат ҳаёти ва ижодига бағишланган экспозиция, вилоят марказида эса унинг номида боғ ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Яна бир диққатга сазовар томони шундаки, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ҳамда Бухоро давлат университети ректоратининг мазкур олий билимгоҳда Абдурауф Фитрат номидаги стипендия таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Бундан ташқари, мазкур қарорда барча шаҳар ва туман ҳокимликларига бир ой муддат мобайнида Фитрат таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Риштон мебель фабрикасида шу кунларда 10 га яқин турда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланган мебеллар сифатлилиги, миллий услубда ўймакорлик йўли билан безатилганлиги, нархининг нисбатан арзонлиги боис харидорларга маъқул бўлмоқда. Шу сабабдан ҳам бу ерда тайёрланган маҳсулотлар дўконларда туриб қолмаяпти. Корхона жамоаси жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган мебеллар ишлаб чиқариш, ўзбек миллий мебеллари билан жаҳон бозорига чиқиш мақсадида астойдил изланмоқда.**

**СУРАТДА: фабриканинг илғор ўймакор усталаридан бири Олимжон Қўзиев.**

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## *Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хабар қилади*

### НАРПАЙЛИК СТАЛЛОНЕЛАР

Нарпай туманлараро ички ишлар бўлимининг вакиллари, милиция сержантлари Н. Аҳроров ва З. Қудратовларга чет эл детектив фильмлари қаттиқ таъсир қилганга ўхшайди. Улар Оқтош шаҳридаги 27-ўрта мактабнинг икки ўқитувчисини калтаклашаётганда ўзларини худди Сталлонега ўхшатишганди. Оғир жароҳатланган муаллимлар касалхонага ётқизилганда билишдики, ҳақиқий ҳаёт баъзан бадиий тўқимага ўхшамас экан.

Мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғаган туман прокуратураси ходимлари ҳам, шу хулосага келсалар, ажаб эмас.

### ҚЎЙ ТУЯ ЭМАС

Ғузор туман юридик маслаҳатхонаси мудири С. Мирзаевни туяни тириклай ютиб юборадиган кимса деса, ҳеч ким ишонмас эди. У кунлардан бир кун Х. Бобоқулов деган кишидан сохта маълумот ясаб берганлиги учун 500 сўм пул ва битта тирик қўй олиб «туя» қилмоқчи бўлиб турганида вилоят прокуратураси томонидан ушланди-қолди. Аҳир, қўй туя эмас-ку!

Мирзаевга нисбатан қўзғатилган жиноят иш юзасидан олиб борилаётган терговга даҳлдор барча хизматлар бепул амалга ошириладиган бўлди.

### НАҚЛЛАРНИ УНУТМАНГ

Хива туманидаги участка нозири Д. Давлатовнинг халқ ҳикматларини билмаслиги панд берди. У И. Маҳмудов билан турмуш ўртоғи Н. Шиннинг ўзаро жанжаллари юзасидан тўпланган материалларни «тинчитиб» бераман деб, 130 сўм пора олаётганда тумшуғидан илинди-қолди. Нафс балосига учраган Давлатов бунга қадар ҳам жабрдийдалардан 370 сўм пора олган.

Ҳа, у «Эр-хотиннинг уруши дока рўмолнинг қуриши», деган нақлни унутиб қўйган экан.

### ҲИБСГА ОЛИНДИЛАР

Избоскан тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора жамоасининг ишлари вилоятда намунали йўлга қўйилганлигидан бехабар жиноятчилар нафақадор Е. Н. автомашинасини Катта Фарғона каналига ташлаб юборишди. Нафақадорнинг жасадини эса Қорадарё қаърига ирғитишди.

Қотиллар ҳозирда ҳибсга олиниб, тергов қилинмоқда.

### БОСҚИНЧИ КАШАНДАЛАР

Боёвут туманидаги Боёвут даҳаси, Бобур кўчасида истиқомат қилувчи Х. Мамадалиевнинг хонадони ярим тунда бехосдан тақиллаб қолди. Эшик очилавермагач, чақирилмаган «меҳмонлар» уйга бостириб киришди. Уй эгасининг охирги 400 сўм пулини тортиб олишди. Ҳатто, улар токчада турган сигареталаргача қўйишмади.

Тезкор гуруҳ воқеадан хабар топиб, босқинчи-кашандаларни дарҳол қўлга олди.

**Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ,**
**республика Прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**

*• Спорт*

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН БИР КУМУШ ВА УЧ БРОНЗА

Таиланднинг Чактабури шаҳрида муай-тай (таиландча бокс) бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда жаҳоннинг 23 мамлакатидан спортчилар қатнашишди.

Халқаро майдонга чиқаётган спортнинг ушбу янги тури бизнинг республикамизда ҳам йўлга қўйилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай муай-тайчиларимиз биринчи жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашишди. 51 килограмм вазнлилар тоифасида рингга чиққан самарқандлик Сервер Виллиев дунё биринчилигининг кумуш медалини қўлга киритди. Унинг ҳамшаҳарлари Эркин Эргашев (67 кг.), Шерзод Холиқов (48 кг) бронза медалига сазовор бўлишди. Шунингдек яна бир ҳамюртимиз, тошкентлик Жанболат Омонтоев ҳам (63,5 кг) вазнлилар тоифасида дунё биринчилигининг бронза медалини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Таиланднинг биринчи жамоаси ғолиб чиқди. Белоруслилар иккинчи, Таиланднинг иккинчи жамоаси учинчи поғонага кўтарилди. Бир кумуш ва уч бронза медалини қўлга киритишган ҳамюртларимиз қозоғистонликлар билан жаҳон чемпионатининг фахрли 4 ва 5-ўринларини баҳам кўришди.

### ЁШЛАР КАМОЛ ТОПЯПТИ

Бекободда академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Биринчиликда республикамизнинг турли бурчакларидан келишган 70 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб боришди. Бир кишилик қайиқда Роман Ермаков (эркаклар баҳсида) ва Оксана Мирзаматова (аёллар) муваффақият қозонишди. Ёшлар баҳсида Евгений Саидов, қизлар ўртасида Надежда Кожурова марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтишди.

Икки кишилик қайиқ баҳсларида Евгений Саидов -- Темур Ғаниев жуфтлигига тенг келадиганлар топилмади. Мусобақа республикамизда ушбу спорт тури бўйича истеъдодли ёшлар ўсиб, камол топаётганини кўрсатди.

**Р. ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Сирғали ижара мебель бирлашмаси**

*Сизни фирма магазинига таклиф этади.*

**Бу ерда "Яшаш хонаси" ("Жилая комната") мебеллар тўплами бозор баҳосидан арзон нархларда, яъни камайтирилган савдо устамаси билан таклиф этилади.**

*Харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиш назарда тутилган:*

*-буюртмани бажариш учун қопламалик матолар;*
*-мебелни харидорга қулай вақтда уйига олиб бориб бериш;*
*-мебелни тажрибали усталар йиғиб, ўрнатиб беришади.*

**Буюртма кечи билан 10 кунда тайёрлаб берилади.**

*Мебель тўпламига қуйидагилар киради: стенка, овқатланиш столи, олтита стул, юмшоқ мебель, радиоаппаратура учун сўри, ётоқхона жиҳозлари.*

**Агар мақбул нархда замонавий мебеллар тўпламини сотиб олишга қарор қилган бўлсангиз,**
***ШОШИЛИНГ ! ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ !***

*Бизнинг манзил:*

*Тошкент ш., Сирғали тумани, Файзли кўчаси, 1. 40, 75-автобусларнинг Сирғали-4 бекати.*
*Сирғали бозоридан дўконгача ҳар соатда махсус автобус қатнайди.*
*Маълумот учун телефонлар: 58-43-82; 58-08-58.*


**Йилига сарфланадиган**
**ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИНГ 80 МЛН. КВТ-СОАТИ**
**беҳуда исроф бўлади !**

***Бу рақамнинг мағзини яхшилаб чақсангиз, кундалик турмушда электр қувватини қатъий тежаш талаби қуруқ гап бўлмай, ҳаёт талаби эканлиги аён бўлади.***

***Кундалик турмушда электр қувватидан оқилона фойдаланишнинг баъзи йўллари:***

**ЧИРОҚЛАР**

*Бу борада ҳамма нарса муҳим: ёритгичларнинг тозалиги, уларнинг қуввати, тўғри жойлаштирилгани. Дарвоқе кучли ёруғлик талаб қилинадиган жойларда бирмунча тежамли люминисцентли лампалардан фойдаланинг. Ҳатто, девор ва шифтнинг ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга - уларнинг ёрқин рангда бўлгани маъқул.*

**СОВУТГИЧ**

*Аввало, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмоқ керак (тўғри ўрнатиш, ўз вақтида тозалаб туриш ва ҳ.к.).*

**ЭЛЕКТР ПЛИТА**

*Фақат ости япасқи, эмалланмаган идишлардан фойдаланиш, комфоркаларни, духовка ва кострюлларни вақти - вақти билан (ҳафтада бир марта) яхшилаб тозалаб туриш, қопқоқлардан фойдаланиш, комфоркалар қувватини режалаб туриш лозим.*

**БОШҚА ЭЛЕКТР АСБОБЛАР**

**Улардан фойдаланиш қоидалари ҳаммага маълум:**

***- ҳеч ким тингламаётган, томоша қилмаётган бўлса, приёмник ва телевизорни ўчириб қўйиш;***
***- чироқларни вақтида ўчириш;***
***- чангютгичлардан фақат ташқарига олиб чиқиш мумкин бўлмаган буюмларни тозалашда фойдаланиш;***
***- дазмолни фақат ишлатиш чоғидагина қўйиш ва дазмоллаб бўлгандан сўнг дарҳол олиб қўйиш;***
***- энг кучли асбоблардан (масалан, кварцли лампадан) иложи борича тунда фойдаланиш.***

**Тежаш ҳаммага - давлатга ҳам, сизга ҳам фойда !**

**"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"**

**ЭЛЕКТРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ !**
**ЭҲТИЁТКОРЛИК ВА ЯНА ЭҲТИЁТКОРЛИК**
**ҳар бир киши сўзсиз риоя этиши лозим бўлган бурчдир !**
**СИЗНИНГ БЕПАРВОЛИГИНГИЗ**

***яъни электр симлари, тақсимлаш шити, розетка, вилка, электр асбобларидаги носозликларни ўз вақтида бартараф этмаганингиз қисқа туташувга сабаб бўлиши мумкин.***

**ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАСИНИ БУЗСАНГИЗ**
**оғир жароҳат олишингиз мумкин.**

*Кўчма лампа ва радиоприёмниклардан хонадан ташқарида фойдаланганингизда шундай ҳол юз беради ва агар уларнинг изоляцияси очилиб қолган бўлса, ерда туриб*

**КАТТА КУЧЛАНИШ ОСТИДА ҚОЛАСИЗ !**

***Электр симларини ток ўтиб турганда тузатмоқчи, ўчиргич ва розеткани алмаштирмоқчи, электр ускуна ва аппаратларини созламоқчи бўлсангиз, бу -***

**ЎЗИГА ОРТИҚЧА ИШОНИШДИР !**
**Ва сиз бунинг қурбони бўлишингиз мумкин.**
**УНУТМАНГ !**
**Электр қурилмаларни таъмирлаш ишларини фақат электр қувватини олдин ўчириб қўйиб бажариш лозим !**

*Болаларни бир дақиқа ҳам эътиборсиз қолдирманг.*
*Улар электр розеткасига қизиқиб бир нарсани тиқишлари мумкин.*

**Бунинг оқибати ҳақида гапириш ортиқча!**

*Каттароқ ёшдаги болаларга подъездлардаги электр шкафларни очиш, электр симёғочларига чиқиш ва улар яқинида варрак учириш мумкин эмаслиги сабабларини тушунтиринг.*

**Узилган симларга алоҳида эътибор беринг - уларга, ҳатто, 10 метр масофагача яқинлашиш мумкин эмас.**

**"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"**

***Газетанинг навбатдаги сони 29 декабрь пайшанба куни чиқади.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон Республикалари халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори

**Отажон ХУДОЙШУКУРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси раҳбарияти ва жамоаси малака ошириш факультети бошлиғи Неъмат Ваҳобовга падари бузруквори

**Мамажон ВАҲОБОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг жамоаси «Машъал» бош муҳарририятининг шарҳловчиси

**Наримон ИРИСОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Муҳиддин Қори-Ёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг жамоаси Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти

**Отажон ХУДОЙШУКУРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳаррирлият 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ш. Мутаҳҳархон ўғли.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 0001  Буюртма Г. — 1292  71326 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00